

”ТАСДИҚЛАЙМАН”

“ТОМОША” БМТС харид
комиссиясининг раиси



Н.С.Курбанова

Театр декорацияларни яшаш хизмати бўйича

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ҲУЖЖАТИ

Тошкент 2022 й.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг тизимидаги "Томоша" болалар муסיқий театр-студияси" театр декорацияларни ясаш хизмати юзасидан энг яхши таклифларни танлаш эълон қилади.

Хизмат номи: Театр декорацияларни ясаш хизмати

Танлашни ўтказиш шакли: Электрон шаклда.

Шартноманинг бошлангич баҳоси: 108 910 000 (бир юз сақиз миллион тукқиз юз ун минг) сўм

Танлов ҳужжатларини қабул қиладиган ҳамда танлов ўтказиладиган манзил:
<https://etender.uzex.uz/>

Иштирокчилар қуйидаги мезонларга амал қилган ҳолда танловда иштирок этишлари мумкин:

- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;
- шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эғалик;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;
- ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;
- инсофсиз ижрочиларнинг яғона реестрида қайд ЭТИЛМАГАНЛИГИ.

Танлов иштирокчиларига танлаш бўйича харид қилиш қондаларига доир тушунтириш юзасидан иштирокчилар билан алоқада бўладиган шахс: Бош муҳандис – Каримов Ринат Зуфарович, тел. : 90-174-84-48

Таклифларни такдим этиш муддати бошланадиган ва тугайдиган сана: Махсус ахборот порталига лот жойлаштирилган кундан бошлаб 7 календар куни давомийлигида белгиланган вақтга қадар.

Буюртмачининг юридик манзили: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Матбуотчилар кўчаси 32А.

Танлов ҳужжатларини расмийлаштириш талаби:

- танлов иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақли;
 - танлов ҳужжатларида тузатишларга (матн, суз ва рақамларни бўйаш) йўл қўйилмайди. Агарда ҳужжатларда тўзатишлар аниқланса ушбу танлов ҳужжати комиссия томонидан четлаштирилади;
 - танлаш иштирокчиси такдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.
- Танловга такдим этиладиган ҳужжатлар:**
- тижорат таклифи
 - танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза.
 - солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома;
 - ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотнома;

- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида кайд этилмаганлиги тўғрисида маълумотнома;
- ташкилотнинг рўйхатга олинганлик гувоҳнома нусхаси (ташкилот раҳбари томонидан муҳр ва имзо билан тасдиқланган бўлиши лозим);

ТЕХНИК ТОПШИРИК

1. Кўрсатилаётган хизматларнинг хусусиятлари ва кўлами.

1.1. Декорация “Уй безаклари” 2 томонлама платформада МДФдан муаллиф-рассом томонидан яратилади.

1.2. Декорация “Уй безаклари” 2 томонлама платформада МДФдан (хона кўринишида уй жихозлари билан). Бадиий рассомчилик ижросида.

1.3. “Кўчма кўтирчоқ театри” декорацияни ясаш.

1.4. “Пудратчи” декорацияларни ясаш хизмат кўрсатиш кўйидаги тартибда амалга оширилади:

1.3.1. Декорацияларни ясаш хизмат кўрсатиш ишлари “Пудратчи” томонидан Шартнома амал қилиш муддати давомида декорацияларни ҳолати хавфсиз самарали ишлашини таъминлай олмайдиган ва таъмирлашни талаб қиладиган ускунани аниқласа, Пудратчи бундай ускунанинг ҳар бир бирлиги учун Буюртмачи билан биргаликда “Нуксон далолатномаси”ни тузади. Мазкур далолатнома таъмирлаш учун асос бўлади.

1.3.2. “Нуксон далолатномаси”да кўрсатилган камчиликларни “Пудратчи” томонидан ўз ҳисобидан таъмирлаб, туғрилаб беради.

2. “Пудратчига” кўйиладиган талаблар:

2.1. Декорацияларни ясаш хизмат кўрсатиш учун ташкилотнинг юкори малакали ишчи ходимларнинг мавжудлиги.

2.2. Декорацияларни ясаш хизматини кўрсатишда меҳнатни муҳофаза қилиш, ёнгин хавфсизлиги бўйича декорациялар ёнгинга қарши ишлов берилиш керак. Ишлов берилганлиги ҳақида далолатнома бўлиши керак.

2.3. “Пудратчи”, буюртма бўйича ишларни бажариш учун мутахассисларнинг уз вақтида “Буюртмачига” юборишни таъминлаш.

2.4. “Пудратчи” ҳар қандай ишлари сифатсиз бажарилган бўлса, ушбу ишлар учун зарур бўладиган материаллар ва эҳтиёт қисмларни уз маблағлари ҳисобидан қайта тузатади.

2.5. Зарур бўлганда, хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни иш жараёнида тадбиқ қилиш.

2.6. “Пудратчи” иш вақтини ташкил этиш ва назорат қилиш, шунингдек меҳнат муҳофазаси, ёнгин хавфсизлиги ва техника хавфсизлиги қоидаларини тулиқ риоя этишни таъминлаш

2.7. “Пудратчи” ўз ходимларини иш қуроллари, шахсий химоя воситалари, иш кийимлари, махсус жихозлар ва сарфланувчи материаллар билан таъминлаш.

3. Иш жойи ва вақти

3.1. "Буюртмачи"нинг декорацияларни ясаш хизмат ишлари, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Матбуотчилар кўчаси 32 А уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг тизимидаги "Томоша" болалар мусикий театр-студияси" биносида амалга оширилади.

3.2. Декорацияларни ясашни амалга ошириш муддати - Шартнома тузилган кундан бошлаб, 10 календар кун ичида тайёр бўлиши керак.

3.3. Декорацияларни ясашни хизмат курсатиш "Буюртмачи"нинг иш вақти давомида амалга оширилади. Иш вақти дам олиш ва байрам кунларидан ташқари, соат 9:00 дан 18:00 гача (5/7). Театрга кириш санаси ва вақти Буюртмачи билан олдиндан келишиб олинади.

4. Бошқа шартлар

4.1. Байрам, дам олиш ва таътил кунларида, шунингдек, куннинг қоронғу вақтларида декорацияларни ясаш хизмат курсатиш учун "Пудратчи"нинг "Ишонч телефони" мавжудлигини таъминланиши шарт.


4.2. "Пудратчи" ишонч телефонлари 24/7 давомида ишлашини ҳамда камида бир киши ишонч телефонига хизмат курсатишини таъминлаши шарт.

4.3. Пудратчининг ишонч телефонлари рўйхатини Буюртмачига шартнома тузилгандан сунг берилишини таъминлаш ҳамда телефон рақамларидаги ўзгаришлар тўғрисида маълумотни бир иш куни давомида Буюртмачининг вакилларига етказилиши таъминлаш.

4.4. Декорацияларни ясаш пайтида бирорта нохуш ходиса руй берганда баргараф этиш юзасидан Буюртмачининг ваколатли вакилидан телефон орқали ариза (буюртма) келиб тушганда, Пудратчининг вакили объект кечиктирмасдан етиб келишини таъминлаш.


4.5. Техник хизмат курсатишни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига жавоб бериши керак.

4.6. Кўрсатилган хизматларнинг натижасини қабул қилиш, учун далолатномасини имзолаш орқали амалга оширилади. Пудратчи буюртмачига кўрсатилган хизматлар учун қабул қилинганлиги тўғрисидаги далолатномани ва ҳисоб-фактурани такдим этади. Агар декорацияларни ясаш самарали бажарилган бўлса ва Буюртмачида ҳеч қандай шикоят бўлмаса, кўрсатилган хизматларни қабул қилиш тўғрисидаги далолатнома имзоланади.





Изготовление двухсторонней сценической декорации «ДОМИКИ» 2 штуки художественного исполнения (Комната) на фурках размером длиной 3,5м, высотой 2,5 м. Задняя часть домика (глубина комнаты 2,2м) с открывающимися дверями и окнами. Вокруг окон художественная национальная роспись. Брус 3*4 см, 5*5 см МДФ 16 мм толщиной, МДФ 10мм, ролики, самонарезы разные, коллеры «ВТЕК», краска «ВТЕК», металлические уголки для жёсткости. На крыше натуральный камыш, искусственные, декоративный виноградная лоза, искусственные маки, клетка с перепелами.






Софа натуральная размером 1,5 м, стол размером 1,5 м, 3 табуретки, на полу 2 тканых гобелена размером 2,2м* 3,5 м (2 шт), сундук 1*0,5м курпачи 6 шт , подушки 4шт, болиш 2 шт., дастурхон -1 шт., рубаб, муляж лепёшек и лягана с пловом.





Изготовление двухсторонней сценической декорации «ДОМИКИ» 2 штуки художественного исполнения (сад) на фурках размером длиной 1,7м, высотой 2,3 м. Задняя часть домика (глубина площадки сада 1,5м)с открывающимися дверями и окнами. Вокруг окон художественная национальная роспись, на площадке искусственные деревья.



Изготовление передвижной национальной телеги на 2-х осях, длиной 4м шириной 1,5м высотой 75 см с тормозами, с разными мачтами, с куполами, с лестницами, 4-мя масхаравами, сюзане, с облаком.

Илова: ШАРТНОМА лойихаси

Мазкур шартнома лойихаси Дастлабки ҳисобланиб, унинг шартлари томонларнинг қарорига кўра қонунда белгиланган қоидаларга зид бўлмаган ҳолда ўзгариши мумкин.

Шартнома № _____

2022 йил «__» _____

Тошкент шаҳри

«_____» (келгусида Бажарувчи”) _____ асосида фаолият юритувчи раҳбар _____ бир тарафдан ва Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг тизимидаги "Томоша" болалар мусикий театр-студияси" номидан дирекгор Н.С. Курбанова (келгусида "Буюртмачи") Низом асосида фаолият юритувчи иккинчи тарафдан ушбу шартномани куйидаги мазмунда туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома "Буюртмачи" спектакль учун театр декорацияларни ясашни хизмат кўрсатиш (техник топшириққа мувофиқ) бўйича тузилди.

2. ШАРТНОМАНИНГ СУММАСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

2.1. "Буюртмачи" декорацияларни ясашни (техник топшириққа мувофиқ) бўйича шартнома баҳоси ККСсиз сўмни ташкил этади _____

2.2. Шартнома кучга кирган кундан бошлаб 10 (Ун) иш куни давомида шартнома умумий баҳосининг 30 % микдори олдиндан, қолган 70 % қисми барча шартлар тулик бажарилгандан сўнг далолатнома расмийлаштирилган кундан бошлаб 10 (Ун) иш куни давомида ҳисоб фактурага асосан пул утказиш йўли билан амалга оширилади.

3. ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ

3.1. Декорацияларни ясашни амалга ошириш муддати - Шартнома тузилган кундан бошлаб, 2022 йил _____ кунига қадар.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. "Бажарувчи" хизматни уз вақтида кўрсатмаган ҳолда "Буюртмачи"га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома умумий баҳосининг 0,5 % микдорида пеня солинади, аммо ушбу жарима шартнома баҳосининг 50 % дан ошмаслиги керак.

4.2. 2.2-бандда белгиланган мажбуриятларни бузганлик учун ушбу шартнома бўйича "Буюртмачи" кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тулов микдорининг 0,40/0 милдорида пеня тулайди, аммо кечиктирилган тулов пеня микдори шартнома баҳосининг 500/0 дан ошмаслиги керак.

5. ФОРС-МАЖОР

5.1. Томонлар хошиш иродасидан тацқари юзага келган олдиндан билиб бўлмайдиган ва олдини олиш имконияти бўлмаган форс-мажор ҳолатларда томонлар мажбуриятларини бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайди.

Тегишли идоралар томонидан берилган маълумотнома ушбу ҳолатларни мавжудлигини ишончли исботи ҳисобланади.

5.2. Форс-мажор юзага келган ҳолатда, шартнома мажбуриятларини бажаришни имконсиз деб топган томон, бошқа томонга бу ҳалда форс-мажор ҳолатлари юзага келганидан кейин 10 кундан кечиктирмай ёзма хабар қилиши керак.

6. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ.

6.1. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ юзага келадиган барча келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокаралар орқали хал қилинади.

6.2. Томонлар келиша олмаган низолар, келишмовчиликлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ; иктисодиёт судида хал қилинади.

7. БОШҚА ШАРТЛАР.

7.1. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қушимчалар ёзма шаклда тузилиб, белгиланган тартибда тарафларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирдагина амалда бўлади.

7.2. Шартнома томонларнинг ўзаро келишувига биноан ёки улардан бири шартнома шартларини бўзган тақдирда бекор ҚИЛИНИШИ МУМКИН.

7.3. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ёки унинг ҳудудий бўлинмаларида рўйхатга олинган кундан кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабр қунигача амал қилади.

8. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

“БАЖАРУВЧИ”

“БЎЮРТМАЧИ”